



“Олмалиқ кон – металлургия комбинати” акциядорлик жамияти
ЯГОНА АКЦИЯДОР ҚАРОРИ

2024 йил 09 октябрь

5 - сонли

Олмалиқ ш.

Ушбу қарор Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” 2014 йил 6 майдаги ЎРҚ-370-сон Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 20 майдаги ПҚ-182 сон Қарорига мувофиқ ягона акциядори бўлган “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти томонидан қабул қилинди.

КУН ТАРТИБИ:

1. “Ўзбекистон технологик металлар комбинати” акциядорлик жамиятининг ташкилий тузилмасини янги таҳририни тасдиқлаш.

Кун тартибидаги масала юзасидан.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Саноат учун муҳим минераллар ҳомашё базасини шакллантириш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2024 йил 20 майдаги ПҚ-182 сонли қарорининг 3-иловасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигига ва “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятига комбинатнинг асосий вазифаларидан келиб чиқиб ташкилий тузилмасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш топшириғи белгиланган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-182 сонли қарори ҳамда “Ўзбекистон технологик металлар комбинати” акциядорлик жамиятининг Уставига мувофиқ комбинатнинг ташкилий тузилмасини янги таҳририни тасдиқлаш таклиф қилинади.

Кун тартибидаги масала юзасидан қарор қилинди:

1. “Ўзбекистон технологик металлар комбинати” акциядорлик жамиятининг ташкилий тузилмасини янги таҳрири иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. “Ўзбекистон технологик металлар комбинати” акциядорлик жамиятининг мазкур қарори ижросини таъминлаш жамият бошқарув раиси Ф.Абдуллаев зиммасига юклансин.

“Олмалиқ КМК” АЖ
бошқарув раиси

А. Хурсанов